



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING AXBOROTI

Азиз ватандошлар,
Юрагимизда чуқур қайғу билан барчамиз учун қадрли бўлган Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов вафот этганини маълум қиламиз. Ислом Абдуғаниевич 2016 йил 2 сентябрда Тошкент шаҳрида бош миёда қайта тикланмайдиган ўзгаришларга ва полиорган етишмовчилигига олиб келган мия қон айланишининг ўткир бузилиши (инсульт) оқибатида вафот этди.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳақиқатан буюк тарихий шахс эди. Ислом Каримовнинг қатъияти ва жасорати билан республикамиз

мустақилликка эришди ва ўз тарқиёт йўлида улкан муваффақиятларни қўлга киритди. Ёш давлатимиз учун гоёт мураккаб ва масъулиятли даврда вазият беқарорлашувининг олди олингани ва халқимизнинг уруш даҳшатларини кўрмасдан эсон-омон ўтиши бевоқифа Ислом Каримов номи билан боғлиқ.

Халқимизнинг чексиз муҳаббатини қозонган, муваффақиятларимизнинг Биринчи Ўйлаб-чиқариши Ислом Абдуғаниевич Каримов қалбларимизда абадий қолади ва келажак авлодлар хотирасида тинчлик, барқарорлик, фаровонлик ва тарқиёт раҳ-барноси, буюк давлат арбоби

сифатида мангу яшайди.

Барчамиз учун қадрли бўлган Президентимизнинг васиятига кўра, Ислом Каримов шу йил 3 сентябрда ота-онаси мангу кўним топган она шахри Самарқандда мусулмон урф-одатларига биноан дафн этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти билан видолашув маросими 2016 йил 3 сентябрда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтади.

Биз барчамиз учун ўта оғир жудалик муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва бутун Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардик билдирамиз.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати
Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING BIRINCHI PREZIDENTI I.A.KARIMOVNING DAFN MAROSIMINI ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ КОМИССИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов вафот этгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг дафн маросимини ўтказиш бўйича қуйдаги тартибда Давлат комиссияси ташкил этилсин:

Мирзиёев Ш.М. — Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир, комиссия раиси;
Йўлдошев Н.Т. — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, комиссия раисининг ўринбосари;

Исмоилов Н.М. — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, комиссия раисининг ўринбосари;
Иноятлов Р.Р. — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг раиси;

Азимов Р.С. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Молия вазир;
Хайдаров З.Х. — Ўзбекистон Республикаси Президентини Давлат Ишлар бошқарувчиси;

Назармухамедов Д.А. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси;
Султонов Х.М. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси;

Махмудов В.В. — Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Хавфсизлик Кенгаши котиби;
Ернязов М.Т. — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесининг Раиси;

Ахмедбаев А.А. — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазир;
Бердиев Қ.Р. — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазир;

Комилов А.Х. — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазир;
Қурбанов Р.Д. — «Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази» акциядорлик жамияти директори, Ўзбекистон Қаҳрамони;

Мирбобоев Б.Ш. — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси;
Раматов О.Ж. — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони;

Санакулов Қ.С. — Навоий кон-металлургия қўшма корхона директори, Ўзбекистон Қаҳрамони;
Мирзаев З.Т. — Самарқанд вилояти ҳокими;
Ганиев Б. — «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси;

Усмонов Ш.Ф. — Республика «Нуроний» жамғармаси раиси;
Усмонов Р.Д. — Тошкент шаҳар ҳокими;
Шарапова М.А. — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони.

2. Давлат комиссияси:
Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг хоҳиш-иродасига мувофиқ дафн маросимини Самарқанд шаҳрида 2016 йил 3 сентябрда ташкил этсин;

2016 йил 3 сентябрдан Ўзбекистон Республикасида уч кунлик мотам эълон қилинсин ва республиканинг барча ҳудудларида мотам тадбирлари ўтказин;

халқимизнинг, корхоналар, ташкилотлар, таълим муассасалари ва кенг жамоатчилигининг фикрини ҳисобга олиб, бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадий-лаштириш бўйича тақдирлар киритсин.

Ўзбекистон
Республикасининг
Бош вазир
Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Сенатининг Раиси
Н.ЙЎЛДОШЕВ

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатасининг Спикери
Н.ИСМОИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 2 сентябрь

Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг касалиги ва вафоти сабаблари тўғрисида ТИББИЙ ХУЛОСА

Бемор И.А.Каримов, 78 ёшда, 27 август кунини эрталаб соат 09.00 да ҳушидан ҳолатда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббиёт-санитария бирлашмасининг Марказий клиник шифохонасига олиб келинди.

Ўтказилган текширувлар, жумладан, бош мия компьютер томографияси беморда бош мия қон айланиши ўткир бузилиши субарахноидал қон қўйилиш асорати билан (инсульт) аниқланди. Артериал қон босими 250/120 мм. сироб устунига тенг. Беморда юрак фаолиятининг тўхташи кузатилди. 20 дақиқа давомида олиб бориладиган реанимацион муолажалар натижасида юрак фаолиятини тиклашга эришилди. Бемор мия ўзга фаолияти бузилиши оқибатида атоник кома ҳолатига тушди ва сунъий нафас олиш аппаратида ўтказилди.

27 августдан 28 августга ўтар кечаси бемор етаци хорижий клиникаларининг нейрохирурглари, кардиолог ва реаниматологари — А.Н.Бакулов номидagi Юрак-томир хирургияси илмий маркази директори, академик Л.Бокерия, Н.Н.Бурденко номидagi нейрохирургия илмий маркази директори, академик

А.А.Потапов (Россия), Ганновер халқаро нейрохирургия институтининг вице-президенти ва ижрочи директори, профессор Амир Сами (Германия), Кардиоторакал марказ директори, профессор Жили Дрейфус (Монако), Хейдельберг университети клиникасининг кардиология бўлими раҳбари, профессор Хьюго Катус (Германия), Хельсинки университети Марказий госпиталининг нейрохирургия бўлими профессори Юка Хернисиэми (Финляндия) томонидан тиббий кўридан ўтказилди.

Ўзбекистон мутахассислари билан ҳамкорликда ўтказилган консилиум натижасида кейинги даволаш режаси белгиланганлиги олинди.

Беморнинг неврологик ҳолати аввал бошдан атоник кома сифатида кайд этилди. Неврологик статусда диффуз мушак

атонияси, арефлексия кузатилди. Беморга уч маротаба динамик электроэнцефалографик текширув ўтказилди, унда бош миyaning биологик фаолиятининг сустайиши аниқланди.

Ўтказилган интенсив терапия жараёнида беморнинг ички аъзолари (қон томир, нафас олиш, қон вивши тизимлари, буйрак ва жигар) фаолиятининг аста-секин бузилиши — полиорган етишмовчилиги кузатилди.

Юқорида кайд этилган тўлиқ ҳажмдаги диагностика-даволаш муолажалари ва интенсив терапия чора-тадбирлари ўтказилганига қарама-қарс 2016 йил 2 сентябрь кунини соат 20.15 да юрак фаолияти тўхтади.

Амалга оширилган интенсив реанимация тадбирлари натижа бермади ва беморда соат 20.55 да биологик ўлим ҳолати кайд этилди.

А.Алимов

Ш.Каримов
В.Аваков
Б.Гафуров
Р.Қориев
Р.Қурбанов
К.Махаммадов
П.Черныш

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM ABDUGANIEVICH KARIMOV



Ватанимиз, бутун ўзбек халқи ўта оғир жудаликка учради. Буюк давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов шу йил 2 сентябрь кунини оғир касаликтан сўнг вафот этди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов 1938 йил 30 январда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. Ўрта Осиё политехника институтини ва Тошкент халқ ҳўжалиги институтини муҳандис-механик ва иқтисодчи мутахассисликлари бўйича тугатди.

Меҳнат фаолиятини 1960 йилда Тошкент қишлоқ ҳўжалик машинасозлиги заводида бошлади. 1961 йилдан 1966 йилгача Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандис, етакчи муҳандис-конструктор бўлиб ишлади.

1966 йилда Ўзбекистон ССР Давлат план комитетига ишга ўтиб, мутахассисликдан Республика Давлат план комитети раисининг биринчи ўринбосари лавозимига кўчирилган йўнали босиб ўтди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов 1983 йилда Ўзбекистон ССР Молия вазирлиги, 1986 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Республика Давлат план комитетининг раиси этиб тайинланди.

У 1986-1989 йиллар мобайлида Қашқадарё вилояти партия комитетининг биринчи котиби лавозимида ишлаб, ўзининг катта раҳбарлик ва ташкилотчилик қobiliяти, фидойилиги ва қатъияти, эл-юрт дardини, одамларнинг ташвиши ва муаммолари, уларнинг талаб ва манфаатларини юракдан ҳис қилиши билан гоёт оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволга тушиб қолган вилоятдаги вазиятни қисқа вақт ичида тубдан ўзгартиришга эришди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов 1989 йилнинг июнидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби этиб сайланди.

Ўша пайтда республикамиз фўқаролар уруши, қон тўкиши, миллатлар ва конфессиялараро можаролар ёқасида турган эди. Воқeаларнинг худди шундай ривожини қўшни мамлакатларда амалга оширилган эди. Ана шундай ўта оғир даврда у ўзининг воқeаларни олдиндан кўра билиш қobiliяти, қўли иродаси ва қатъияти билан халқимиз ва мамлакатимизни шундай ачинарли қисматдан сақлаб қолди.

Айнан ўша даврда халқимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов тисолида мард, буқилмас ирода эгаси ва содир бўлаётган фақуллода мураккаб ҳодисаларнинг муҳиятини давлат манфаатлари нуқтаи назаридан кўра оладиган, ўз Ватани ва халқи, ҳар бир юрtdошнинг тақдирини учун алоҳида масъулиятни ҳис эта оладиган ҳақиқий раҳбарга эга бўлди.

1990 йил 24 март кунини Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланди. 1991 йил 29 декабрда мўқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловиди Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти этиб сайланди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов 25 йил давомида муваффақият билан Ўзбекистонни бошқариб, очик фўқаролик жамияти ва бозор иқтисодиётига асосланган ҳўқуқий демократик давлат қуришнинг чуқур ўйланган стратегиясини ишлаб чиққан ва уни амалга оширган

бўнeд этилди. Тошкентдан Самарқанд, Бўхоро ва Қарши шаҳарлари йўналишлари бўйича юқори тезликда ҳаракатланадиган поездлар қатнови йўлга қўйилди, халқаро аэропортлар модернизация қилинди, «Навоий» аэропорти негизиди халқаро логистика маркази ташкил этилди ва Ўзбек миллий автомагистралли қурилиши якунига етказилди.

Ўзбекистоннинг дунёда энг жадал сўра-талар билан ривожланиб бораётган иқтисодиётга эга бўлган бешта давлат қаторидан жой олгани Президент Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан олиб бo-рилган ислохотларнинг амалий ифодаси бўлди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов қишлоқ ҳўжалигиди чуқур ўзгаришларни амалга ошириш, ернинг ҳақиқий эгаси бўлган янги мулкдорлар синфини — фермерлик ҳаракатини шакллантиришнинг ташкилотчиси эди. Унинг ташаббуси билан жаҳон амалиётиди ўхшаши бўлмаган, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартиришга қаратилган, қишлоқ аҳлининг ҳаёт даражаси ва сифатини шaҳардагидан кам бўлмастлигини таъминлайдиган намунавий уй-жойлар қуриш дастури амалга оширилмоқда.

Ислом Абдуғаниевич Каримов Қуролли Кўчлар Олий Бош Қўмондонли сифатида Ўзбекистон Республикасининг муваффақия-тини, унинг худудий яхлитлиги ва сарҳад-ларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончи ҳўмoс қилиш-га қодир бўлган замонавий Қуролли Кўч-ларни тубдан ислох этиш, уларнинг жаңго-вар салoҳияти ва қудратини оширишни таъ-минлади.

У туб негизиди бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва вўжудга кeлаётган қарама-қаршилик ва можаролар-ни фақатгина тинч, сиёсий йўл билан ҳал этишга асосланган тинчликпарвар сиёсат муҳассам бўлган Ўзбекистон Республика-сининг Ташқи сиёсат концепциясини иш-лаб чиқди ва амалга оширди. Давлатимиз раҳбари минтақамизда ва бутун дунёда тинчлик ва барқарорлиқни сақлашга улкан ҳисса қўшди.

Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг та-шаббуси асосида, эски қолиб ва мезонлар-дан бутунлай воз кeчган ҳoлда, кeнг миёс-даги Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, таълим-тарбия тизимини энг замонавий халқаро стандартлар бўйича тубдан ўзгар-тиришга қаратилган ислохотлар дастури иш-лаб чиқилди ва ҳаётга жорий этилди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов мамлака-тимизнинг бутунги ва эртанги кунининг ҳал қилувчи кучига айланиб бораётган ёшларини-мизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини бутунлай ўзгартирган, навқирон авлодини тарбиялаб вoяга етказишнинг янги принци-пал тизимини ташкил қилиш ва уни ҳаётга жорий этиш ишларига бевоқифа раҳбарлик қилди.

Мамлакатимиз раҳбари миллий-маъна-вий қадриятларимизга ҳўрмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, муқаддас динимиз, урф-одатларимиз, бебаҳо тарихий мероси-мизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш-ни давлат сиёсати даражасига кўтарди, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг обу-этиборини оширишга катта ҳисса қўшди.

У фўқаролик жамияти институтлари, ав-вало, маҳалланинг давлат ва жамият бош-қарувиди нуфузини ошириш, уларнинг ва-қoлат ва ҳўқуқларини кенгайтириш масала-сига алоҳида эътибор қаратди.

Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг пойтах-тимиз Тошкент шаҳри, мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари қиёфасини замонавий меъморлик талаблари асосида тубдан ўзгар-тириш борасиди кeнг қўламли бўндқорлик ишларини эл-юртимиз яши билади ва юксак қадрлайди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов суверен ва муваффақ Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик ҳўқуқий давлат яратиш, фўқаролар тинчлиги ва миллий тоту-лиқни таъминлаш ишига қўшган улкан ҳис-саи ҳаьда бу борада матонат ва жасорат кўрсатгани учун Ўзбекистон Қаҳрамони ун-вони, «Муваффақ» ва Амир Тeмyр орден-лари билан тақдирланган.

Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзoси эди. Айни вақтда у иқтисодиёт, илм-фан, таълим-тарбияни ривожлантиришга қўшган улкан ҳис-саси учун қўлпaл хорижий мамлакатлар уни-верситет ва академияларининг фахрий фан доктори ҳаьда академик этиб сайланган. Шунингдек, у бир қанча хорижий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан ҳам муқoфoтланган эди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов ўз халқи-ни чексиз меҳр-муҳаббат билан севар эди ва ўзининг сўнгги кунларига қадар бутун ҳаётини Ўзбекистонга хизмат қилишга бағишлади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, Ўзбек халқининг буюк фарзанди Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг сўнамс хотираси барча миннатдор юртдошларимиз-нинг, бутун халқимизнинг қалбиди абадий сақланиб қолади.

Ш. М. Мирзиёев, Н. Т. Йўлдошев, Н. М. Исмоилов,
Р. Р. Иноятлов, Р. С. Азимов, Д. А. Назармухамедов,
Х. М. Султонов, Ш. И. Солиқов, И. М. Мирзаалиев

ЎзХДП ГУРУҲИ ТАКЛИФИ БИЛАН

■ Сессияда мактабгача таълим муассасалари фаолияти билан боғлиқ кўрсаткичлар чуқур таҳлил қилинди.

Соғлом авлодни тарбиялаш

кўп жиҳатдан мактабгача таълим муассасалари фаолиятига боғлиқ

Бугун мамлакатимизда мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, болалар ҳар жиҳатдан соғлом бўлиб улғайиши, ўқиб-ўрганиши учун барча зарур чора-тадбирлар кўриломоқда.

Ҳар йили мактабгача таълим муассасаларини таъмирлаш, шароитини яхшилаш, зарур воситалар билан таъминлаш масалаларига давлат бюджетидан керакли маблағ ажратилапти.

Ҳўш, бугун мактабгача таълим муассасаларининг ҳолати қандай? Болаларнинг мактабгача таълим-тарбиясини самарали йўлга қўйиш, боғчаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича жойларда қандай ишлар олиб борилаётган?

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, яқинда халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи мактабгача таълим муассасаларининг фаолияти юзасидан назорат-таҳлил ишларини олиб борди.

Наманган шаҳрида бугунги кунда 60 мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Уларда 6994

нафар бола тарбияланмоқда. Мактабгача таълим муассасаларида 749 нафар педагог ҳолим фаолият олиб бормоқда. Уларнинг 579 нафари ўрта махсус, қолган 170 нафари эса олий маълумотга эга.

Қадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида ўтган йили мактабгача таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган айрим номуҳасис кадрлар қайта тайёрлов курсларида ўқитилди. Янги педагогик технологиялар асосида амалий семинарлар ташкил этилди.

Илҳомжон ОТАБОВЕВ, халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари:

— Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини яхшилашга давлатимиз ҳамisha устувор вазифа сифатида қараб келган. Шунинг учун партиямиз гуруҳи масалани ҳар томонлама чуқур ўрганиб, таҳлил қилди.

Назорат-таҳлил пайтида



Ў.А. СУРАТ

айрим мактабгача таълим муассасаларида тарғибот-ташвиқот, кўргазмалар воситалари сони камлиги, айрим гигиеник ашёлар ва болалар ёшига мос ўйинчоқлар етарли эмаслиги аниқланди.

Усмонов АСҚАРАЛИЕВ, халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Болалар тарбиясида тарбиячи зиммасига катта масъулият юклатилади.

Бироқ фаолияти ўрганилган мактабгача таълим муассасаларининг айримларида тарбиячилар учун қўлланмалар етарли эмаслиги маълум бўлди. Ўрганиш вақтида, шунингдек, айрим боғчаларда жисмоний тарбия ва мусиқа хоналари, спорт майдончаларини зарур жиҳозлар билан таъминлаш билан боғлиқ камчиликлар ҳам кузатилди.

Депутатлар ўрганиш натижаларини дастлаб партия гуруҳи йиғилишида атрофлича муҳокама этишди. Юзага келган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ЎзХДП гуруҳи шундан сўнг масалани халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссиясига

кириштишга қарор қилди. Доимий комиссия йиғилишида мавжуд вазият атрофлича кўрилагач, бу масала халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши сессиясига олиб чиқилди.

Сессияда мактабгача таълим муассасалари фаолияти билан боғлиқ кўрсаткичлар чуқур таҳлил қилинди. Депутатлар, мутасадди идоралар раҳбарларининг хулоса ва фикр-мулоҳазалари тингланди. Шу асосда сессия тегишли қарор қабул қилди.

Хусусан, мактабгача таълим муассасаларида давлат талабларининг бажарилиши ва меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш аҳволи, болаларни мактабга тайёрлаш ишларининг самарадорлигини ошириш юзасидан чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, мактабгача таълим муассасаларининг санитария ҳолати, таълим ва ўқув жараёни, жисмоний тарбия, гуруҳ хоналарини болаларнинг ёшига мос меъморлик, тиббий хоналари дори-дармон воситалари билан доимий равишда таъминлаш бўйича вазифалар белгиланди.

Гулуҳ ОДАШБОВЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Шиддат билан ўзгараётган бугунги даврда баркамол авлодни тарбиялаш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Бунда оила, маҳалла, таълим муассасаси ҳамда кенг жамоатчилик ҳамкорлиги муҳим ўрин тутди.

«Ёшлар тақдири учун барчамиз масъулмиз»

ЎзХДП Миробод туман Кенгаши таъаббуси билан «Мовароуннахр» маҳалла фуқаролар йиғинида «Ёшлар тақдири учун барчамиз масъулмиз» мавзусида маънавий-маърифий тadbир ўтказилди.

Унда Миробод туман партия кенгаши масъул ходимлари, Ички ишлар бўлими, туман прокуратураси ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вакиллари ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этди.

— Фарзандларимиз ҳаётимиз мазмуни, эртанги кунимиз давомчилигини, — дейди «Мовароуннахр» маҳалласи фаоли Оксана Новикова. — Уларнинг келажаги учун масъул эканлигини унутмаслигимиз керак. Улар ким билан қаерда мулоқот қилапти? Дўстлари ким? Қандай машғулотлар билан банд? Булар ҳақида биз ота-оналар албатта хабардор бўлиб туришимиз керак.

— Фарзандларимиз озод ва обод, тинч-осойишта, фаровон юрда ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етмоқда, — дейди ЎзХДП Миробод туман Кенгаши раиси Искандар Нурмухаммедов. — Уларга бугунги кунларимиз қандай машаққатлар эвазига қўлга киритилганини аниқ миқдор билан кўрсатиб беришга ҳаракат қилаёмиз.

Тadbир сўнггида партия сафига қабул қилинган бир гуруҳ йигит-қизларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Наврўз ШОДМОНҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ

Куйи бўғин етакчиси

билимли, ташкилотчи ва албатта фидойи бўлиши керак

Бугунги кунда Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят Кенгашида 720 бошланғич партия ташкилоти фаолият олиб бормоқда. Партия сафидаги жами аъзолар 32455 нафар бўлиб, шундан 14512 нафарини хотин-қизлар ва 7983 нафарини ёшлар ташкил этади.

Ушбу кўрсаткичларни ўтган йилнинг шу даври билан солиштирсак, сафимиз кўпроқ ёшлар ҳисобидан кенгайиб бораётганига гувоҳ бўламиз. Бунда партияимизнинг «Ёш сиёсати» ва «Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танловларининг аҳамияти юқори бўлмоқда. Чунки мазкур тadbирларнинг дастлабки bosқичлари куйи бўғиндан бошланади.

Шунингдек, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтиришга қаратилган сиёсий ўқувлар ҳам мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярмида 186 ўқув ўтказилиб, уларда 5740 нафардан зиёд етакчи ва фаоллар ўз билимини оширди. Ушбу ўқувлар партиянинг дастурий мақсадларини тарғиб қилишда етакчиларнинг сиёсий фаоллигини ошириб, ислохотларга муносиб баҳо бериш қобилиятини ривожлантирмоқда.

Шу ўринда айтиш мумкинки, бошланғич ташкилот етакчиларига кенг имконият берилган. Улар бевосита депутатлар билан ҳамкорликда асосий эътиборни ҳудудларда ечимини кутаётган масалаларга қаратиши лозим.

Ҳеч ким бошланғич партия ташкилотига шунчаки келиб-кетиши керак эмас. Шунинг учун куйи ташкилотлар хонасида сиёсий адабиётлардан лавҳалар ташкил этганмиз. Барча ўтказилаётган тadbир, сиёсий ўқув, фуқаролардан тушаётган мурожаат баённомасини йиғиб борамиз. Бу ишларга фаол ёшлар, хотин-қизлар жалб қилинади. Аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни ўйлантираётган масалаларни чуқурроқ ўрганишда ишимизга бўлган муносабат муҳим ўрин тутди.

Бошланғич ташкилотлар билан ишлашни яхшилаш мақсадида замонавий ахборот технологиялари, яъни интернетдан самарали фойдаланишга ҳаракат қилаёмиз. Бу борада бошланғич ташкилотлар учун яратилган махсус сайтни тақомиллаштириш ишлари олиб борилаётган. Унда ҳар бир куйи бўғин, уларнинг аъзолари ҳақидаги маълумот суратлари билан бирга жойлашти-

рилади. Шу билан бирга, партияга аъзо бўлишни истаганлар интернет орқали саволларига жавоб олиши, мурожаатларни амалга ошириши мумкин бўлади. Бу тизим фаолиятимизда ўзига хос қўлайликлар яратишига ишонаман.

саводхонлигини ошириш, уларни ўйлантираётган масалаларни чуқурроқ ўрганишда ишимизга бўлган муносабат муҳим ўрин тутди. Ўйлаيمانки, бошланғич ташкилот хонасида аъзолар ҳақидаги маълумот, партиямиз гоё ва мақсадларини акс эттирувчи лавҳалар бўлса, одамларнинг эътиборини тортади, ишончини оширади.

Ойнинг ҳар пайшанбасида фуқаролар мурожаатларини қабул қиламиз ва депутатлар билан бирга уларни ҳал этиб борамиз. Охириги пайшанбада эса сиёсий ўқув ташкил этилади. Унда қонунчилигимизга оид ўзгаришлар, сиёсий партия ва унинг аъзолари зиммасига юклатилган вазифалар тушунтирилади.

Ҳар ойда туманлардаги бошланғич ташкилотларнинг иккитаси тарғибот-ташвиқот воситалари билан таъминлаб борилаётган. Бу ишлар бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, куйи бўғин фаолияти қандай бўлиши етакчининг билими, ташкилотчилиги ва албатта фидойилигига боғлиқ. Бизнинг вазифамиз эса уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, амалий ёрдам кўрсатишдан иборат.

Жасурбек РЎЗИМОВ, ЎзХДП Хоразм вилоят Кенгаши бошланғич партия ташкилотлар билан ишлаш сектори мудири.

ЎзХДП ҲАЁТИ

«БИЗ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСINI ТАНЛАДИК»

Гулуҳ РИЗАЕВА,
Зарафшон шаҳридаги 7-умумтаълим мактаби ўқитувчиси:

— Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг фаолиятини мунтазам кузатиб бораман. Улар ўз Сайловолди дастурлари ижросини таъминлаш мақсадида муҳим тақлифларни илгари сурмоқда. Мени кўпроқ ЎзХДП томонидан қилинаётган ишлар қизиқтиради. Чунки бу сиёсий куч ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш, ёшлар бандлигини таъминлаш каби жиддий масалаларни ўз олдига вазифа қилиб қўйган.

Парламентнинг куйи палатасида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари бу борада ҳаётий тақлиф ва ташаббусларни илгари сурмоқда. Бу ҳақда оммавий ахборот воситалари орқали доимий хабардор бўлиб турибмиз.

Яқинда шаҳримизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Аксавли Тумишова иштирокида сайловчилар билан учрашув бўлиб ўтди. Унда мен ҳам қатнашдим. Учрашувда депутат партия томонидан қилинаётган амалий ишлар ҳақида маълумот берди. Шу боис, партия фаолияти, гоёларига бўлган қизиқишим янада ортди. Шунинг учун ушбу партияга аъзо бўлишга қарор қилдим.

Менга аъзолик гувоҳномаси топширилган кун ҳаётимдаги энг муҳим воқеалардан бири бўлиб қолди. Кўп минг сонли аъзоларни ўз атрофига бириштирган сиёсий куч сафида эканимдан faxрланаман.

Нодир МИРЗАЕВ,
Навбахор туманидаги «Баркамол авлод» болалар ижодиёти маркази ходими:

— Олий ўқув юртида ўқиб юрган кезларимда бирор сиёсий партияга аъзо бўлиш истаги туғилган эди. Шунинг учун сиёсий партиялар фаолиятини синчиклаб кузатиб юрдим. Ўша пайтда Конституция байрами арафасида ўтказилган тadbирда иштирок этдим. Унинг ташкилотчилари ЎзХДП фаоллари экан. Маърузачилар орасида турли соҳа вакиллари бор эди. Улар талабаларнинг сиёсий саводхонлигини янада ошириш, мамлакатимизда қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ҳамда партия томонидан қилинаётган ишлар тўғрисида маълумот беришди. Тўғриси, ўша тadbирдан кейин мен ЎзХДПга аъзо бўлишга қарор қилдим.

Шундан сўнг ўзим яшаётган ҳудуддаги партия ташкилотига мурожаат қилдим. Туман кенгаши раиси мени бу истагимни қўллаб-қувватлади. Мен партия аъзоси бўлдим.

Ўзимга маъқул иш топишда кўмак сўраб, халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Феруза Раҳимовага мурожаат қилдим. Депутатнинг саъй-ҳаракати билан туман «Баркамол авлод» болалар ижодиёт марказига ишга жойлашдим.

Ҳозирда партия томонидан жойларда ўтказилаётган тadbирларда фаол иштирок этишга ҳаракат қилаяпман.

**«Ўзбекистон овози» мухбири
Илҳом САТТОРОВ
ёзиб олди.**

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МИРЗАЧЎЛ ТУМАНИ КЕНГАШИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲИ ЧОРВАЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШ БОРАСИДА ТУМАНДА ОЛИБ
БОРИЛАЁТГАН ИШЛАРНИ ЎРГАНИБ, СЕССИЯ МУҲОКАМАСИГА КИРИТДИ.

ИҚТИСОДИЁТ
САБОҚЛАРИ

■ Ялпи ички маҳсулот — бу муайян вақт давомида мамлакат резидентлари ва норезидентлари томонидан ишлаб чиқарилган пировард товар ҳамда хизматларнинг бозор баҳосидаги қийматидир.

■ ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ
ДАВОМ ЭТМОҚДА!



Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди суд-хуқуқ ислохотларининг, шунингдек, ҳужалик судлари фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишини янада такомиллаштириш мақсадида эълон қилган «Адолат — қонун устуворлигида» деб номланган танлов давом этмоқда.

«АДОЛАТ —
ҚОНУН
УСТУВОРЛИГИДА»

Танловга республика миқёсидаги газета, журналларда чоп этилган, телевидение ва радиода берилган ҳужалик судлари тизимидаги ислохотларни ҳамда норматив-хуқуқий ҳужжатларни тарғиб қилишга, аҳолининг бу борадаги ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга йўналтирилган мақола-лар, кўрсатувлар, эшиттиришлар қабул қилинмоқда.

Мақолалар чоп этилган газета ва журналлар, кўрсатув ҳамда эшиттиришлар ёзилган тасмалар Олий ҳужалик суди матбуот котибига таҳририят, телевидение, радио ходимлари ёки муаллиф томонидан тақдим қилиниши лозим. Танловда учта ва ундан ортиқ мақола, кўрсатув ва эшиттиришлар билан иштирок этиш мумкин. Тақдим этилган мақола, кўрсатув ва эшиттириш муаллифининг тўлиқ исм-шарифи, иш жойи ва лавозими, телефон рақами ҳақидаги маълумотлар ҳамда паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

Танловга 2016 йил 1 январдан 15 декабргача чоп этилган мақолалар, кўрсатув ва эшиттиришлар қабул қилинади. Танлов 23 декабрда якунланиб, ғолиблар матбуотда эълон қилинади.

Танлов ғолиблари:

1-ўрин учун Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судининг I даражали дипломи ва энг кам иш ҳақининг 20 баравари миқдорида пул мукофоти;

2 та 2-ўрин учун Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судининг II даражали дипломи ва ғолибларнинг ҳар бири энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида пул мукофоти;

3 та 3-ўрин учун Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судининг III даражали дипломи ва ғолибларнинг ҳар бири энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Мурожаат учун манзил: 100097, Тошкент шаҳри, Чўпонота кўчаси, 6-уй. Олий ҳужалик суди биноси.

Телефон: (0-371) 273-94-82, электрон почта — press@oxs.uz

Ишлаб чиқариш ҳажмини
қандай кўрсаткичлар ифодалайди?

«Иқтисодиёт сабоқлари» руқни остида берилаётган навбатдаги машғулотни иқтисодчи Ақром Мўминов олиб боради.

Савол: Мамлакат миқёсида ишлаб чиқариш ҳажмини қандай кўрсаткичлар ифодалайди?

Жавоб: Ушбу кўрсаткичлар куйидагилардан иборат:

Ялпи ишлаб чиқариш — бу кенг маънода мамлакатда ишлаб чиқарилган барча товар ва хизматларнинг пул қийматидир. Уни ҳисоблаётганда ишлаб чиқаришга сарфланган моддий ва номоддий сарф-харажатлар қиймати (оралиқ истеъмол) чиқариб ташланмайди. Шунинг учун ушбу кўрсаткич таркибида такрорий ҳисоб мавжуд. Ялпи ишлаб чиқариш бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш учун асос вазифасини бажаради.

Ялпи ички маҳсулот — бу муайян вақт давомида мамлакат резидентлари ва норезидентлари томонидан ишлаб чиқарилган пировард товар ҳамда хизматларнинг бозор баҳосидаги қийматидир.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) — мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи асосий макроиқтисодий кўрсаткич ҳисобланади. У муайян даврда резидент



ва норезидентлар томонидан мамлакат ҳудудида яратилган пировард товар ва хизматларнинг бозор нархларидаги қийматини акс эттиради.

Резидентлар — халқаро андозаларга биноан (миллий ҳисоблар тизими қоидаларига кўра) иқтисодий қизиқиши шу мамлакат иқтисодий ҳудудида бўлган ҳужалик юритувчи субъектлар (институционал бирликлар) бўлиб, улар узоқ вақт давомида (бир йил ва ундан ортиқ) фаолият олиб боради (Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида

резидентликка мансублик муддати 183 ва ундан ортиқ кун қилиб белгиланган).

Резидент институционал бирликларга куйидагилар киради:

— мамлакат ҳудудида доимий яшайдиган жисмоний шахслар (уй ҳўжалиги аъзолари);

— юридик шахслар ва мамлакат ҳудудидаги юридик шахс мақомига эга бўлмаган талбиркорлик билан шугулланувчи субъектлар;

— мамлакатнинг хориждаги дипломатик, консуллик, савдо ишлари вакиллари ва бошқа расмий вакиллар.

Норезидентлар — ҳозирги вақтда муайян бир мамлакат ҳудудида бир йилдан кам бўлган муддатда иқтисодий фаолият билан шугулланаётган, аммо асосий даромад олиш манбаи ва доимий яшаш жойи бошқа мамлакат ҳисобланган институционал бирликлар.

Ялпи миллий даромад — бу ялпи ички маҳсулот ва мамлакат резидентларининг чет элдан олган бирламчи даромадлари сальдоси (қолдиғи)нинг йигиндисидир.

Ялпи ихтиёрдаги миллий даромад — бу ялпи миллий даромад ва чет элдан олинган ҳамда чет элга берилган иккиламчи даромадлар (жорий трансфертлар) сальдосининг йигиндисидир.

Трансферт — бу бир иқтисодий бирлиكنинг иккинчи иқтисодий бирликка товар ва хизматлар ёки мулкни қайтариб олмаслик шарти билан беришидир. Трансфертларнинг ҳаракати бир томонламалик хусусиятига эга.

Ялпи жамғариш — бу ялпи ихтиёрдаги миллий даромад ва истеъмол харажатлари орасидаги фарқдир. Ялпи ихтиёрдаги миллий даромаддан икки мақсадда — ялпи истеъмол ва ялпи жамғариш мақсадида фойдаланиш мумкин.

РЕКЛАМА

ЕМММ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Электромагнит мослашув маркази» давлат унитар корхонаси огоҳлантиради:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоузаитиргичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузаитгич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича «Электромагнит мослашув маркази» ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилинг.

Бизнинг манзиллар:

Тошкент шаҳри,	Нукус кўчаси, 22-уй, блок «В», телефон: 202-61-71, 230-61-13.	Наманган шаҳри,	Марғилон кўчаси, 8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона, телефон: 230-64-72.
Андижон шаҳри,	Чўлпон шоҳ кўчаси, 5-уй, 49-хона, телефон: 230-64-65.	Самарқанд тумани,	Ўрташиқ қишлоғи, Радио шаҳарча, тел: 230-64-80.
Бухоро шаҳри,	академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: 230-64-66.	Термиз шаҳри,	Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: 230-64-79.
Жиззах шаҳри,	Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, АТС-4 биноси, телефон: 230-64-68.	Гулистон шаҳри,	Мустақиллик кўчаси, 54-уй, телефон: 230-64-67.
Нукус шаҳри,	Ерназар Алақоз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: 230-64-75.	Фарғона шаҳри,	Алишер Навоий кўчаси, 37-«Г» уй, 36-хона, телефон: 230-64-74.
Қарши шаҳри,	2-микрорайон, 43-уй, 62-хона, телефон: 230-64-78.	Урганч шаҳри,	Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона телефон: 230-64-77.
Навоий шаҳри,	Амир Темура кўчаси, 4-уй, 802-хона, телефон: 230-64-69.		

ЎЗГАРАЁТГАН
ДУНЁГРЕНЛАНДИЯДА
ЭНГ ҚАДИМГИ
ҳаёт излари топилди

Ердаги энг қадимги ҳаёт излари Гренландиядаги тоғ жинсларидан топилди. Уларнинг ёши 3,7 миллиард йилга тенг, деб хабар беради РБК сайти.



Кашфийти Австралиянинг Вуллонгонг университети олимлари амалга оширди.

Уларнинг фикрича, тош қотган цианобактериал колонияларнинг топилиши ҳаёт ҳақидаги тасаввурларни ўзгартириб юбориши мумкин. Жумладан, улар Ер ҳали бўм-бўш сайёра бўлганида Марсда ҳаёт мавжуд бўлганини тахмин қилмоқда.

Тўрт сантиметр ўлчамдаги митти топилмалар — строматолитлар Гренландия жануби-ғарбидаги Исуа формациясида аниқланди. Бундай цианобактериал колониялар бугунги кунда тропик ва субтропик денгизларда учрайди.

Илгари энг қадимги ҳаёт излари Австралиядан топилиб, деб ҳисобланарди. Янги кашфийт ҳаётнинг вужудга келиш санасини 220 миллион йил қадимийлаштириб, тирик организмларнинг вужудга келиши сайёраларнинг шаклланишидан қисқа муддат ўтиб содир бўлишини исботлайди.

ДУНЁНИНГ 72
МАМЛАКАТИДА

Зика вируси қайд этилди

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотиға кўра, 2007 йилдан бун дунёнинг 72 мамлакатада Зика вируси қайд этилган.

Сўнгги ҳафтада Зика вируси билан касалланиш ҳолатлари Британиянинг Виргин оролларида ҳам кузатилган. Бироқ ўтган 7 кун ичида чақалоқларда ушбу вирус билан боғлиқ микроцефалия ва марказий асаб тизими ривожланишидаги бошқа нуқсонлар аниқланмаган.

ЯПОНИЯДА ЯНА
ерости силкиниши рўй берди

Япониянинг Кюсю оролидаги Кумамото префектурасида яна зилзила рўй берди.



Мамлакат метеохизмати хабар қилишича, ер силкиниши кучи Рихтер шкаласи бўйича 4,9 баллни ташкил этган.

Вайронгарчилик ва талафот хусусида маълумотлар мавжуд эмас.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг 14 апрелида Кумамото ва Оитеда 6,5 балл, орадан икки кун ўтгач, янада кучлироқ, яъни 7,3 балли зилзила рўй берган эди. Бунинг оқибатида беш мингга яқин турар жой биноси шикастланганди.

Шундан бери, Кумамотода турли кучланишдаги ер қимирлаши содир бўлаётир. Шу боис, минглаб аҳоли махсус жиҳозланган контейнерларда истикомат қилишга мажбур бўлмоқда.

ТАБИАТ — ТАБИБ

■ Мустақиллик йилларида тиббиёт соҳасида муҳим ўзгаришлар, ислохотлар амалга оширилди. Буларнинг барчаси халқимиз турмуш фаровонлигини таъминлаш, oilаларда соғлом муҳитни яратиш, тиббий маданиятни юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Тошсоябон тагидаги мўъжиза

Ривоят қилишларича, Амир Темури узоқ сафарга отланганида, йўлда аскарлари оғир дардга чалинибди. Ўшанда улар Бойсун тоғ йўллари орқали ҳаракатланаётган экан. Шунда қўшиндагиларнинг кўзи кимсасиз бир қуруқликдаги тошсоябонга тушибди. У ердаги харсангтошлар орасидан сизиб чиқаётган булоқ сувидан ичган аскарлар ўзини анча тетик ва бардам сезибди. Касалликдан ҳам халос бўлишибди. Шу-шу мазкур қишлоқнинг номи «Омонхона» деб юритила бошлабди.

Ҳар қандай ривоятнинг замирида ҳақиқат ётади, дейишади. Дарҳақиқат, Омонхона булоқ суви турли касалликларга, хусусан, жигар хасталигига даво бўлиши мутахассислар томонидан аниқланган.

Омонхона булоқ суви Тошкентдаги илмий текшириш институти олимлари томонидан ўрганилганда, унинг таркибида жигар, буйрак, ўт, ошқозон-ичак касалликлари, қандли диабет, умуртқа поғонасидаги тузларни парчалаш каби кўплаб хасталикларга шифо бўладиган тўрт юздан ортиқ микроэлементлар борилиги маълум бўлди. Шундан сўнг ундан унумли фойдаланиш чоралари белгиланди. Урни келганда айтиш жоизки, бу хайрли ишларга бойсунлик фидойи инсон, меҳнат фахрийси Туракул Ҳамроев бош-қош бўлди.

Дастлаб, 1991 йилда булоқ атрофи ободонлаштирилиб, шифобахш сувдан фойдаланиш йўлга қўйилди.

Туман шифохонасидан мутахассислар жалб қилинди. Ҳомий ташкилотлар, тadbиркорлар кўмағида беморлар ва шифокорлар учун шарт-шароитлар яратилди, йўллар қурилди, тепаликдан анча чуқурликда жойлашган тошсоябонгача бўлган масофада зинали йўлақлар қурилди, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

2009 йилдан бошлаб ушбу маскан тубдан қайта таъмирланди. 110 ўринга мўлжалланган мазкур иншоот учун давлат бюджетидан катта миқдорда маблағ ажратилди. 2011 йили шифо маскани қурилишининг дастлабки босқичи, 2012 йилга келиб, унинг иккинчи қисми фойдаланишга топширилди. 2014 йили эса санаторий қурилиши якунланиб, ишга туширилди.

Очиги, олис тоғ қишлоғида, кенг яйлов бағрида бундай улкан иншоотнинг барпо қилиниши кишини лол қолдиради. Икки қаватли



шифо масканида беморлар учун икки ва уч кишилик хоналарда иситиш ва совутиш мосламалари, телевизор, ювиниш жойлари муҳайё этилган.

— Инсон саломатлиги энг устувор масала ҳисобланади, — дейди **Ўзбекистон темир йўллари Давлат акционерлик компаниясига қарашли «Омонхона» бальнеологик шифо маскани директори Бахтиёр Жўраев**. — Шифо масканимизга даво излаб келаётганларга маънавий тиббий хизмат кўрсатишга ҳаракат қилаёмиз. Санаторийимизда беморларни асосан табиий булоқ суви билан даволаймиз. Шу билан бирга, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш имконини берувчи

асбоб-ускуналардан ҳам кенг фойдаланаямиз. Булоқ сувининг шифобахшлиги туфайли бу ерга келувчилар сони тобора ошиб бормоқда.

— Кейинги пайтларда соғлиғим билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлганди, — дейди **наманганлик 76 ёшли Махмуджон Мамадалиев**. — Бу ерда даволанганимдан сўнг ўзимни бардам, бакуват ҳис этаяпман. Мана, ҳозир ҳам 30-40 метр баландликка бемалол чиқаёман.

— Кўп шифохоналарда даволандим, негадир фойдаси бўлмади, — дейди **бухоролик Мастура Сафарова**. — Омонхона сувини ис-теъмол қилганимдан сўнг бутунлай тузалдим. Ўн

йилдан буён ҳар йили икки марта келиб даволанаман. Биз беморлар учун шундай қулай шароитларни яратиб бергани учун мутасадди-ларга миннатдорлик бил-дирмоқчиман.

— Мен Навоий вилояти-данман, — дея суҳбатга қўшилди **Навоий кон-метал-лургия комбинати ишчиси Худойберди Камолов**. — Ош-хонада тайёрланаётган ов-қатлар ҳам жуда сифатли. Менимча бошқа шифо мас-канлари «Омонхона» сана-торийсидан андоза олса ёмон бўлмасди.

Ҳозирда шифо маскани-да 100 нафардан ортиқ киши иш билан таъминланган.

Шифо масканида тиббий маданиятни ошириш, она-лик ва болаликни ҳимоя

қилиш масалаларида кўплаб тарғибот тadbирлари ўткази-либ турилади.

— «Омонхона» санаторий-сига ишга келганимга йнгир-ма беш йилдан ошди, — дей-ди **Музаффар Жалилов**. — Ўшандаги шарт-шароит би-лан бугунгисини солишти-риб бўлмайди. Илгари бор-йўғи икки нафар тиббиёт хо-дими хизмат қиларди. Бугун эса улар кўпчиликни таш-кил этади.

Мустақиллик йилларида тиббиёт соҳасида муҳим ўзгаришлар, ислохотлар амалга оширилди. Буларнинг барчаси халқимиз турмуш фаровонлигини таъминлаш, oilаларда соғлом муҳитни яратиш, тиббий маданиятни юксалтиришга хизмат қил-моқда.

Шифо масканидан қайтар чоғи, табиат мўъжизаси, тош соябонларга яна бир бор разм солдим. Харсанг тош-лар ҳавода муаллақ турибди. Очиги, энг моҳир ҳайкалта-рош ҳам ундан нусха олиш-га ожизлик қилса керак! Ле-кин тошсоябондан узоқла-шиб, тепаликка томон кўта-рилар эканмиз, ҳаёлимизни ундан-да ажиб бир мўъжиза банд этди. Бу тош қоялар бағридаги тепаликда бунёд-кор халқимиз барпо этган «Омонхона» шифо маскани кўриниб турарди.

Абди ҚОДИРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎХИМАТЛАР ХАЗИНАСИДАН

Сўз қадрини
билмаган — ўз
қадрини билмас

Кишилик жамиятида сўз, сўзлаш ва қандай сўзлаш касб этади. Ота-боболар ана шунинг учун ҳам ўзларининг қўлдан-қўл мақоллари ор-қали авлодларга сўзлаш одо-би юзасидан қимматли мас-лаҳатлар, насиҳатлар айтиб қолдиришган: «Сўз — киши-нинг ўзаги, Одоб — унинг беағи»; «Сўзнинг бойлиги — Одамнинг чиройлиги»; «Ошнинг таъми туз билан, Одамнинг «таъми» сўз би-лан»; «Сўз — қиличдан ўткир»; «Куч эрмагани сўз эгар»; «Сўзни қорозга ёзгун-ча, мияга ёз»; «Сўз эшит-санг уқиб ол, халқа қилиб тақиб ол»;

«Яхши гап ҳам бир оғиз-дан чиқади, ёмон гап ҳам бир оғиздан чиқади» («Мадоми-ки шундай экан, ёмон гапни гапиргандан кўра, яхши гап-ни гапир, бу сендан «ош-нон сўрамайди», ҳақинг кетиб қолмайди», дейилмоқчи); «Сиз» дан «Сиз» чиқади, «Сен» дан — «Сен» (ўзгалари ҳурмат қилсанг, ўзинг ҳам ҳурмат кўрасан, бунинг ак-сини қилсанг, аксини кўра-сан», дейилмоқчи)

Салом ҳам —
фарз, алик ҳам
— фарз

«Салом ҳам — қарз, алик ҳам — қарз»; «Ассалому алай-кум»га — «Ва алайкум асса-лом»; «Салом бермоқлик — катта-кичикка баробар»; «Ав-вал — ассалом, Бўлмаса — вассалом» (Вассалом — гап тамом, бошқа гап йўқ, бош-қа гап бўлиши мумкин эмас); «Одоблилик белгиси — эги-либ салом бергани, Яқинлик белгиси — келиб-келиб тур-гани». Фарз — бажарилиши зарур бўлган вазифа, бурч. Бировга салом бериш — уни холис ҳурмат қилиш, демек-дир.

Халқимизнинг қадимий одатларидан бири шуки, бо-лани ёшлигиданоқ, тили чиқ-қаниданоқ салом беришга ўргатилади. Одоб юзасидан, ёшлар ўзларидан катта ёшда-гиларга аввал салом бериш-лари, улар алик олишлари лозим. Ўзидан катта ёшда-гиларни қаерда бўлмасин, кўрганда салом бермай, ин-дамай ўтиб кетиш — хоҳ ўғил учун, хоҳ қиз учун ниҳоятда одобсизлик ҳисобланади.


■ ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

Бўлғуси учувчилар қасамёди

Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида курсантларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Мудо-фаа вазирлиги, Ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари, Жануби-ғарбий мах-сус ҳарбий округ масъул офицер-лари, билим юрти шахсий таркиби ва ота-оналар ҳамда кенг жамоат-чилик вакиллари иштирок этган тadbирда Президентимиз раҳнамо-лигида мамлакатимиз Қурулли Куч-ларини ислоҳ қилиш, соҳани ма-лакали кадрлар билан таъминлаш борасида амалга оширилган иш-лар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Бу жараёнда ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, шу йўналиш-даги мактаб, лицей ва бошқа таъ-лим муассасаларининг моддий-



техник базасини мустаҳкамлаш, уларда таълим сифати ва самара-дорлигини янада оширишга ало-ҳида эътибор қаратилмоқда.

— Бугун набирам Бургутали ушбу билим юртининг курсанти си-фатида Ватанимизга, халқимизга содиқ хизмат қилишга қасамёд

қилди, — дейди Андижон вилояти Марҳамат туманидан келган ҳар-бий хизмат фахрийси Хусанбой Холназаров. — Набирамга ҳарбий учувчи бўлсин, деган яхши ниятда шу исмни қўйгандим. Яратганга шукур, мамлакатимизда яратилаёт-ган шароитлар туфайли бу орзуим ушалди. Эл-юрт тинчлиги ва осой-ишталиги йўлида хизмат қилиш-дек шарафли касб соҳибининг бо-боси эканимдан фахрланаман.

Ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросимидан сўнг давлат ва жа-моат ташкилотлари вакиллари, би-лим юрти офицер ва ўқитувчилари, ота-оналар курсантларни таб-риклаб, ёшларга жанговар касб сирларини пухта эгаллашида му-ваффақият тилади.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири.

■ СПОРТ

Футболчиларимизнинг ишончли ғалабаси

Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2018 йили Россияда бўладиган жаҳон чемпионати Осиё саралаш мусобақаси учинчи босқичи дастлабки учрашувида Сурия футболчилари устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Халқаро футбол уюшмалари федерацияси (ФИФА) томонидан Осиё давлатлари учун 2018 йилги жаҳон чемпионатида 4,5 йўлланма ажратилган. Осиё саралаш мусобақасининг учинчи босқичида китъамизнинг энг куч-ли ўн икки терма жамоаси икки гуруҳга бўлинган ҳолда ана шу йўлланмалар учун рақобатлашмоқда. Қондага кўра, ҳар бир гуруҳдан кучли икки терма жамоа жаҳон чемпионатида тўғридан-тўғри йўлланма олади. Учинчи ўрин соҳиблари эса дастлаб ўзаро куч синашади. Икки ўйин натижасига кўра, ғолиб чиққан терма жамоа китъа-лараро плей-офф учрашувида қатнашади.

Бу босқичда Ўзбекистон миллий терма жамоаси Эрон, Жанубий Корея, Хитой, Қатар ва Сурия миллий терма жамоалари билан «А» гуруҳидан жой олган.

«Бунёдор» стадионида ўтказилган гуруҳнинг ilk учрашувида футболчиларимиз сурияликларни 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, дастлабки уч очко-ни қўлга киритди. Терма жамоамизга ғалаба кел-тирган голга Александр Гейнрих муаллифлик қилди.

Гуруҳдаги Жанубий Корея ва Хитой терма жамоа-лари ўртасидаги баҳсда 3:2 ҳисоби қайд этилди.

Ўзбекистон терма жамоаси 6 сентябрь кuni ўтади-ган навбатдаги ўйинда қатарлик футболчилар меҳмо-ни бўлади.

Ж.ТОШХҲҲАЕВ,
ЎЗА мухбири.

■ РЕКЛАМА

«ЎЗМЕЛИОМАШЛИЗИНГ» ДАВЛАТ ЛИЗИНГ КОМПАНИЯСИ

КЎЙДАГИ ТЕХНИКАЛАРНИ, ЖУМЛАДАН:



Автосамосвал MAN шассисида
(юк кўтариш имконияти
20-25 тонна);



Автокран MAN ва ISUZU
шассиларида
(юк кўтариш имконияти 16 тонна);



Ёнилғи ташиш машинаси (автобен-
зовоз) ISUZU шассида, идишининг
сигими 4 тонна;



Краноманипулятор
MAN шассисида
(юк кўтариш имконияти 5 тонна);



Лазерли ер текислагич
(қамраб олиш кенглиги-3,5 метр).

техника қийматининг 30 фоизидан кам бўлмаган қисмини олдиндан тўлаш шarti билан узоқ муддатга ли-зинг асосида таклиф этади.

Лизинг шартномаси ва унга тегиш-ли ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган ҳолда техникалар бир иш кuni даво-мида лизингта расмийлаштирилиб бе-рилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй.
Маълумот учун телефонлар: +99871 239-46-25; 239-43-24;
239-43-65.

Маҳсулотлар сертификатланган.

Хизматлар лицензияланган.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Saidkamol
XODJAYEV
Muslihidin
MUSHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.


№ — 959
8786
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 23:05
Topshirilgan vaqti — 02:20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Ozod RAJABOV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 5 6